

**«ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг
2015 йил 29 октябрдаги 159-сонли
баённомаси билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»**

ЛИСТИНГ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

(янги тахрирда)

(мазкур Низомга «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли
баённомаси билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

Тошкент – 2015 йил

Мазкур Низом «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида (кейинги ўринларда биржа деб аталади) Биржа савдоларини ўтказиш қоидаларига мувофиқ Листинг комиссияси (кейинги ўринларда – комиссия деб аталади) таркибини шакллантириш, унинг вазифалари ва уларни амалга ошириш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Комиссия биржанинг доимий фаолият кўрсатувчи органи бўлиб, унинг фаолияти Бошқарув томонидан тасдиқланган Листинг комиссияси тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

2. Ушбу Низом талаблари биржа аъзолари, уларнинг миждозлари ва биржа ходимлари томонидан ижро этишлари учун мажбурий ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда «ЎзРТХАБ» АЖда Биржа савдоларини ўтказиш қоидалари ва Биржа листингини ўтказиш тартибида таърифлаб ўтилган тушунчалардан фойдаланилади.

II. Комиссия таркибини шакллантириш

4. Комиссия 5 нафар аъзодан иборат бўлади.

5. Комиссия таркиби «ЎзРТХАБ» АЖнинг Бошқаруви томонидан белгиланади.

Комиссия таркибига: «ЎзРТХАБ» АЖ Бошқаруви томонидан ходимлар орасидан сайланган комиссия раиси ва унинг иккита аъзоси қиради. Комиссиянинг қолган иккита аъзоси биржа аъзолари орасидан сайланади.

6. Маклериат листинг комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

7. Комиссия аъзоларининг ваколат муддати – унинг таркиби биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланган вақтдан бошлаб икки йилни ташкил этади.

8. Комиссия аъзоси лавозимида ўриндошлик асосида ишлаш учун биржа фаолияти соҳасида камида уч йиллик иш тажрибаси талаб қилинади.

9. Комиссияга аъзолик «ЎзРТХАБ» АЖ Бошқарувининг қарори билан қуйидаги асосларда тугатилиши мумкин:

биржада ахлоқ қоидаларининг бир неча марта бузилишига йўл қўйилса;

интизомий жазо чораси қўлланилса ва биржанинг меъёрий ҳужжатларида ўрнатилган талабларга риоя этилмаса;

комиссия аъзоси томонидан сабаби кўрсатилган ҳолда унинг таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилса;

комиссиянинг ваколат муддати тугаган бўлса.

10. Комиссия таркибида вужудга келган вакант лавозимига биржа Бошқарувининг қарори билан ўриндошлик асосида бошқа шахс тайинланади.

11. Комиссия раиси ўз ваколати доирасида:

комиссиянинг ишини ташкил қилади ва унинг фаолияти натижалари бўйича биржа Бошқаруви олдида жавобгар бўлади;

комиссия йиғилишларида раислик қилади;

зарур ҳолларда комиссия йиғилишларида иштирок этиш учун биржанинг мутахассислари ва аъзоларини таклиф этади;

комиссия ишини мувофиқлаштиради;

комиссия ваколоти доирасига тааллуқли ҳолларда «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Биржа савдоларини ўтказиш қоидалари», «Биржа листингини ўтказиш тартиби» бўйича манфаатдор биржа савдоси иштирокчиларига маслаҳатлар беради.

(11-банд «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

12. Комиссия раисининг ваколатлари унинг мазкур Низом ва Биржа листингини ўтказиш тартиби талабларини бажармаган тақдирда, унинг илтимосига кўра ёки Комиссиянинг камида учта аъзосининг талаби асосида биржа Бошқарувининг қарори билан муддатидан аввал тугатилиши мумкин.

13. Комиссиянинг биринчи йиғилишида унинг таркиби орасидан комиссия котиби сайланади.

14. Комиссия котиби:

Листинг комиссиясининг модули орқали келиб тушаётган аризачилар (ишлаб чиқарувчилар, товар эгалари)нинг биржа савдоларида реализация қилиш таклиф этилган товарларини биржанинг котировкалаш варағига киритиш ҳақидаги мурожаатларини қабул қилади;

Комиссия модулида ишлашни ва овозларни санашни амалга оширади, у бўлмаганида эса ушбу вазифаларни комиссия йиғилишида котиб сифатида сайланган комиссия аъзоларидан бири амалга оширади.

(14-банд «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

III. Комиссия вазифалари ва уларни амалга ошириш тартиби

15. Ушбу Низом доирасида комиссиянинг асосий вазифалари бўлиб биржа савдоси иштирокчилари ва биржа ходимлари томонидан биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланган Биржа листингини ўтказиш тартибида кўрсатилган талабларга риоя қилиниши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳисобланади.

16. Комиссия вазифаларига қуйидагилар киради:

биржа товарининг талабларга мувофиқлиги, ликвидлиги, қилинган мурожаатларнинг доимийлиги, товарларни савдоларда сотиш шартларини унификациялаш ва стандартлаштириш имкониятлари борасида экспертиза ўтказиш, намунавий биржа контрактларини шакллантиришни ўз ичига олган листинг амалларини ўтказиш;

товарларни биржанинг товарларни котировкалаш варағига киритиш (листинг), товарларни котировкалаш варағидан чиқариш (делистинг) ёки товарни қайта киритиш (релистинг) орқали товарларни биржа савдоларига киритишга рухсат бериш;

(16-банднинг учинчи хатбошиси «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

такрорланмайдиган идентификация кодини берган ҳолда, намунавий биржа контракти спецификациясини шакллантириш;

(16-банднинг тўртинчи хатбошиси «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

аризачиларни, биржа аъзоларини уларнинг шахсий кабинетлари, шунингдек биржанинг махсус портали орқали автоматик тарзда хабардор қилиш.

(16-банднинг бешинчи хатбошиси «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

16-банднинг олтинчи хатбошиси «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомасига мувофиқ чиқариб ташланган

17. Комиссия йиғилишлари заруратга қараб ўтказилади.

(17-банд «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

18. Комиссия йиғилишлари, агар унда комиссиянинг камида 3 нафар аъзоси иштирок этиган тақдирда қонуний кучга эга бўлади.

19. Йиғилишлар Листинг комиссиясининг модулида онлайн тарзда ўтказилади.

(19-банд «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

20-банд «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомасига мувофиқ ўз кучини йўқотган

20. Йиғилишни Комиссия раиси, унинг йўқлигида эса Комиссия котиби очади ва олиб боради.

21. Комиссия қарорлари очиқ овоз бериш орқали йиғилишда иштирок этаётган комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

22. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

23. Биржа аъзоларининг вакиллари, биржанинг штат ходимлари, комиссия аъзолари бўлмаган экспертлар ва комиссия йиғилишларида иштирок этиш учун таклиф этилган бошқа шахслар комиссия йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқсиз иштирок этишлари мумкин.

IV. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

24. Комиссия ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

товарларни биржа савдоларига қўйиш учун руҳсат бериш ёки бермаслик, уларни биржанинг котировкалаш варағининг тегишли бўлимига киритиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

аризачилар томонидан берилган аризалар ёки Биржа листингини ўтказиш тартибида кўрсатилган бошқа сабабларга кўра илгари савдога қўйилган товарларни биржанинг товарларни котировкалаш варағидан чиқариш ҳақидаги қарорни қабул қилиш;

ўзининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича биржанинг бошқа комиссияларидан фикр сўраш;

биржанинг таркибий тузилмалари, масъул ходимлар, биржа аъзоларига комиссиянинг ваколатига киритилган масалалар юзасидан зарур ҳужжатлар, ёзма хулосалар ёки бошқа материалларни тақдим қилиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилиш. Комиссия билан ҳамкорлик қилишни рад этиш интизомий жавобгарликни кўзга тутиш учун асос бўлиши мумкин;

комиссия ва биржа аъзоларининг мижозлари ўртасида вужудга келган низоли масалаларни кўриб чиқиш учун биржанинг Арбитраж комиссиясига киритиш;

товарларни биржанинг товарларни котировкалаш варағига киритиш ҳақидаги аризаларда Биржа листингини ўтказиш тартибида кўзда тутилган асословчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, уларни аризачиларга қайтариш.

25. Комиссия қуйидагиларга мажбур:

Биржалар ва биржа фаолиятига доир қонун ҳужжатлари, Биржа савдоларини ўтказиш қоидалари, Биржа листингини ўтказиш тартиби ва биржанинг бошқа ички (локал) ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

мижозларнинг товарларни биржанинг товарларни котировкалаш варағига киритиш ёки илгари киритилган товарларни ундан чиқариш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш

вақтида Биржа листингини ўтказиш тартибида ўрнатилган регламентга қатъий риоя қилиш;

товарларни биржанинг товарларни котишковкаш варағига киритилганлиги ёки чиқарилганлиги тўғрисида аризачилар (ишлаб чиқарувчилар, товар эгалари), биржа аъзолари ва Маклериатни Листинг комиссиясининг модули ва биржа портали (uzex.uz) орқали хабардор қилишга.

(25-банднинг тўртинчи хатбошиси «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

V. Мазкур низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

26. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ташаббус кўрсатиш ҳуқуқи биржа Бошқаруви ва Листинг комиссиясига берилади. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш биржа Бошқарувининг қарори билан амалга оширилади. Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар биржанинг расмий сайтида эълон қилинганидан сўнг кучга киради.

27. Ушбу Низом тасдиқланган кундан бошлаб 5 иш кун ўтгандан сўнг кучга киради.